

«Ташаббус – 2005»

АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Ўтган йили ҳам бу соҳада сезиларли силжишлар юз берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сафи анча кенгайди. Улар асосан халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш билан истеъмоли бозорини бойитиб бораётдилар. Айни вақтда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга эришмоқдалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ҳолати кенгайиб, хозирги кунда учдан бир қисмига тўғри келмоқда.

«Ташаббус – 2005» кўрик-танловнинг 28 март кунини бўлиб ўтган вилоят босқичига таширив буюрганлар бунини тўла ҳис эълдилар. Ўтган йилдаги каби тадбир қатнашчилари ва меҳмонларни чирчиқликлар хушнуд қутиб олдилар. Шаҳарда унинг кўнгилдагидек ўтиши учун барча шароитлар яратиб берилди. «Кимёгарлар» маданият саройи ва унинг атрофидаги майдон байрамлардагидек безатилган эди.

Эрта тонгдан бошланган кўрик-танлов иштирокчилари бўлган тадбиркорлар, фермер ва хунарамандлар саройи биноси ичида ва ташқарида ўзлари учун ажратилган жойларда маҳсулотларини намойиш қилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган 53 ишбилармон қатнашди. Маҳсулотлар шу қадар кўп эдики, уларнинг саногига етиш амри маҳол эди. Унда турли озиқ-овқат маҳсулотлари, оддий рўзгор буюмларидан тортиб ҳар хил мураккаб саноат маҳсулотлари бор эди. Кўрик-танлов ҳайъати аъзолари тадбиркорларнинг ҳар бири билан сўбатлашдилар.

Кўрик-танловнинг тантанали очилишида қисқача нутқ сўзлаган вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев қатнашчиларни табриқлаб, ўзaro ҳалол беллашувада уларга омад тилади, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеси ривожлантиришга эътибор бундан буён ҳам кучайиб боришини ва улар доим қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Кўрик-танлов иштирокчилари учта йўналиш бўйича ўзaro беллашдилар. Биринчи бўлиб ийгирикма нафар тадбиркорлар баҳсга киришди. Улар ўзларининг фаолиятлари ҳақида қисқача сўзлаб беришди ва соҳаларига оид саволларга жавоб қайтаришди. Бу йўналиш бўйича биринчи ўрин бир овоздан Чирчиқда фаолият кўрсатаётган «Чирчиқ-Пекин» масъулияти чекланган жамиятга берилди.

Тошкент туманидаги «Московский деликатеси» заводи иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Учинчи ўрин эса Янгийўл шаҳридаги «Айнур» тадбиркорлик тизимига насиб этди. Фермерлар ўртасидаги

қимий ва Бўстонлик туманидаги «Ақбар ота» фермер хўжаликчилари олдилар. Хунарамандлар йўналиши бўйича биринчи ўринни Оҳангарон шаҳридан Зарифа Баходирова, кейинги мукофотли ўринлар-



шундай мусобақа ҳам қизгин курашлар остида ўтди. Унда Тошкент туманидаги «Тўхтаганиёз ота» фермер хўжалиги биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Чиноз туманидаги Му-



рилди. «Энг яхши тадбиркор аёл» йўналиши бўйича Бекобод шаҳридан Дилдора Баратова, «Менинг юртим — менинг ифтихорим» йўналишида Паркент туманидан Ш. Шоназаров, «Энг ёш тадбиркор» йўналишида Бўстонлик туманидан Шохиста Назарова, «Бола-лар спортини ривожлантириш» бўйича Ўртачирчиқ туманидан Равшан Тўраев, «Энг яхши журналист» йўналиши бўйича «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбири Мирсобир Мирхамидовга кимматбах соҳивонлар топширилди.

Республикамиз Президентининг соврини учун ўтказилган анъанавий «Ташаббус – 2005» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида ғолиб бўлган тадбиркор, фермер ва хунарамандлар айни вақтда бу тадбирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан олинган лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ҲАМ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида саноат, қурилиш ва савдо қўмитаси депутатлари иштирокида «Ўзбекистондаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш» мавзусида тренинг ўтказилди.

Тадбир Европа Иттифоқи комиссиясининг ЕвропаЭйд дастури доирасида ташкил этилди. Тренингда Греция марказлашмаган маҳаллий ва давлат бошқаруви вазирлиги маслаҳатчиси, фан доктори жаноб П. Каркацелис иштирок этиб, қонун чиқаришни тартибга солиш ва уни тақомиллаштириш масалалари ҳусусида фикр-мунозараларини билдириди. Тажрибали мутахассис А. Раҳмонов ва Е. Никифорова ҳуқуқ тузилиши меъёrlари, турлари, қонун шарҳи ҳақида маъруза қилди.

Ийгилишида дастур лойиҳаси доирасида олиб борилаётган бошқа муҳим ишлар ҳам кўриб чиқилди.

«Туркистон-пресс».

● Банк ва миқоз

КРЕДИТЛАРИМИЗДАН ҲАМ ҲАҚИҚАТИ

Халқ банкининг Оққўрғон туман филиалида «Кумуш Тола» хусусий жамoa қорхонаси раҳбари Абдусамод Саидхамидовни яхши қўйишга урчатиб қолдик.

— Қорхонамиз ҳисоб рақамини Халқ банкининг филиалида очиб ағиллашмаган эканмик, — дейди у. — Ўтган йили пилла хом ашёсини сотиб олиш ва сақлашда баъзи қийинчиликларга дуч келдик. Муаммони хал этиш учун кредит сўрадик. Унинг малакали ходимлари қисқа муддатда илтимосимизни ижобий ҳал қилишди. 11 миллион 300 ми́нг сўм кредит ажратилди. Бу маблағни пиллачиликни ривожлантиришга сарфлагимиз. Хозирги кунда барча ишларимиз юришиб кетди...

мунал хизматлар кўрсатиши тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор ижросини таъминлашда ҳам фаол иштирок этмоқда. Туман аҳолисининг коммунал хизмат кўрсатуви ташкилотлардан қарзларни қисқартириш учун уй-жой ширкати, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Бунинг самараси ўларок, 2004 йилда 415 миллион 324,4 ми́нг сўм миқдордаги коммунал тўловлар қабул қилинди. Солиқ ва бюджет тўловлари миқдори 30 миллион 360 ми́нг сўмга қўлайди. Бу маблағлар тегишли ташкилотларга вақтда ўтказиб берилди.

Банк филиали худуд аҳолиси ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам қўрсатиб, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўймоқда. Бугунги кунда унинг жойларда 8 та шохбачаси фаол ишлаб турибди. Кичик бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорларга қўлайликлар яратиб мақсадида қатор мини банклар ҳам ташкил этилди.

— Омонатларга аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилишга катта аҳамияти бераёмиз, — дейди банк филиали бошқарувчиси Абдухамид Азизов. — 2005 йилнинг 12 февраль ҳолатига кўра омонатлар қолдиги қарийб 92 миллион сўмини ташкил этди. Аҳолининг қизиқишини юқори бўлган «Наврўз айёми», «Даромад», «Хазина» омонатларига, айниқса, маблағлар жуда қўплаб жалб қилинмоқда. Бу жараённи жадаллаштириш мақсадида 4,5 миллион сўмлик депозит-сертификатлар ихтиёрли асосда банк миқозларига сотилди. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланувчилар бизнинг асосий миқозларимиз бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тўғрисидаги Низомига асосан фермер хўжаликларига катта ҳажмда ёрдам берилди. Ноябрь-ойида галла ҳосили учун фермер хўжаликларига 4 миллион 213,6 ми́нг сўм, декабрь ойида 674,7 ми́нг сўм кредит маблағлари ажратилган эди. Бу йил январь ойида ушбу йўналишга 3 миллион 81,4 ми́нг сўм, февраль ойида пахта ҳосили учун 88 миллион 366 ми́нг сўм миқдорда молиявий қўмак берилди.

Банк жамoаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига ком-

БАХТ ВА ИҚБОЛ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бошқармаси ҳамда давлат ва жамoат ташкилотлари иштирокида диний экстремизм, терроризм ва гўнҳандликка қарши «Юрт равнақи — бахтинг, иқболнинг мавзусида йилнинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Юртбосшимиз томонидан илгари сурилган «Қулли давлатдан — қулли жамият сари» сиёсий концепциясининг кенг омма орасида амалга оширилиши борасида давлат ва ошарлаб ташкилотларнинг ролини янада фаоллаштириш ҳақида фикрлашиб олинди. Шунингдек, миллий истиқлол гоҳини кенг тарғиб этиши, милиция ташкилотларида профилактика нозирлари, сардорлар, постон ва жамoат ташкилотларининг тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Йилнинг давомийда вилоят «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан тайёрланган аср вабоси — гўнҳандлик, ичкиликбозлик ва ОИТС муаммоларига бағиланган расмий паннолар кўргазмаси намойиш этилди. Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон «Экспо-2005» халқаро кўргазмасида

Япониянинг Аичи префектурасида «Экспо – 2005» халқаро кўргазмаси иш бошлади. Ушбу халқаро тадбирнинг очилиш маросимида Япония императори Акихито, Бош вазир Дзюньитиро Коидзуми иштирок этди.

Сето, Нагахуте ва Тойота шаҳарларида қарийб 173 гектар майдонга жойлаштирилган павильонлар пештахталаридан инсоният тараққиётининг барча босқичлари тўғрисида ҳикоя қилувчи турфа хил экспонатлар, замонавий технология тараққиётининг жуда кўп ва ранг-баранг намуналари жой олган.

«Табиат ўғитлари» шиори остида атраф-муҳитни ҳимоя этиши, бизни ўраб турган ойна табиатга зарар етказмайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жаҳон халқлари ўртасида ўзaro мулоқотни мустаҳкамлашга даъват этилган ушбу халқаро тадбирда дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакат қатнашмоқда.

Оқсак дид билан, жуда чиройли безатилган Ўзбекистон павильонини кўргазманинг биринчи кунлариданоқ одамлар билан ниҳоятда гавжум бўлди. Халқимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳамда мамлакатимизнинг хозирги тараққиёти ҳақида атрафлиқ тасаввур берадиган Ўзбекистон экспозицияси миллий меъморчилик аънаналари, наққошлик, ганч уймакорлиги санъати намуналари асосида безатилган.

— Мен Буюк ипак йўли тарихи, ўзбек халқининг бой маданияти, урф-одатлари ва бугунги ҳаёти ҳақида кўп ўқиганман, — дейди Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO) вакили Ерико Суматсу. — Ўзбекистон павильонини зўр қизиқиш билан томоша қилган, ундаги бой экспонатлар Шарқ ва Фарб ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган юртингиз тўғрисидаги тасаввурларимни янада бойитди.

Анкуманда мамлакатимизнинг сармовий ва сайёҳлик салоҳияти муносиб равишда намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Узэкспомарказ» томонидан ташкил этилган ушбу павильон лойиҳасини рўйбга қилишда мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Poisn Electronics» қўшма қорхонаси ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам беришди.

Ахмаджон ҚУЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири. Токио.



АНГРЕНДА «МИНГ БИР КЕЧА»

Наврўз байрами кунларида шаҳарда аҳоли учун бир қатор хизмат шахобчалари фойдаланишга топширилди. Шулардан бири «Ангрентоам» масъулияти чекланган жамият тасарруфидаги собиқ «Даврон» ошхонаси.

Икки қаватли бу бино жамият томонидан қайта таъмирланиб, замонавий кўринишдаги қаҳвахонага айлантирилди.

Бу ерда ҳар бири 12 ва 60 ўринга мўлжалланган 4 та зал мавжуд. Жамиятнинг мақсади аҳоли учун мана шундай

Мунаввара ИСОҚУЛОВА. СУРАТДА: бинонинг умумий кўриниши.

Муаллиф олган сурат.

Кўриқлаш хизмати УЧ ДАҚИҚА КИФОЯ

Кечаси соат 2 ларда Тўйтепа шаҳрида жойлашган дўкнларнинг бирида сигнал воситаси ишлаб кетиб, Ўртачирчиқ туман ички ишлар бўлими ҳузурдаги марказлаштирилган кўриқлаш пултига хабар тушди. Булима ходимлари 3 дақиқа ичида воқеа жойига етиб борганларидан, кимдир дўкн эшигини очишга урингани маълум бўлди.

— Бундай воқеалар кўнага 3-4 марта бўлиб туради, — дейди бўлима бошлиғи Хайитмайт Йўлдошев. — Ҳозир туман бўйича қарамогимизда 32 та объект кўриқланади. Булар асосан банкларнинг туман бўлими, катта қорхоналар ва 3-4 та дўкнлар. Биз асосан яқин худудлардаги объекتلарга оғоҳлантириш воситаларини ўрнатганмиз. Чунки, у жойдан бизга хабар келганда, қисқа вақт ичида воқеа жойига етиб бориш имконияти мавжуд. Эудлик билан бориш учун шароит йўқ бўлган узоқ объектлар ходимларимиз томонидан кўриқланади.

Бизнинг худудимиздаги болалар боғчаси ҳамда «Қишлоқ хўжалик қўмитаси» давлат акциядорлик бирлашмасининг «Қучлик» туманлари филиалида майда ўғирчиқлар кўп бўлади, — дейди туман кўриқлаш бўлимиаси отряд командирининг ўринбосари Зарифжон Ҳотамов. — 2004 йилда туманимизда 125 та ўғирчиқ ҳолатлари аниқланди, 142 ми́нг 795 сўмлик мол-мулк қайтариб олинди ва 621 ми́нг 310 сўм жарима солинди. Бу йил эса ходимларимиз томонидан 30 нафар ўғри ушланиб, 84 ми́нг сўм жарима ундирилди.

Жумладан, тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Усмон ота қўчасида яшовчи Т. Қудрат ҳеч қандай ҳужжатсиз «Қишлоқхўжалик қўмитаси» ДАБдан 6 қоп селитрани олиб кетаётганда кўриқлаш хизмати ходимлари томонидан ушланди. Шу қорхонада ишловчи фуқаро С. Раҳим омордан бир қоп аммоферитини рухсатсиз олиб чиқиб кетаётганда қўлга олинди. Ушбу икки ҳолат юзасидан ҳужжатлар расмийлаштириб туман судига юборилди.

Алишер ҲАМРАЙИЛОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати инспектори.

Қамолддин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

● Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий-ижтимоий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар сифини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бу соҳани келажакда иқтисодийнинг етакчи тармоғига айлантириш назарда тутилмоқда. Шунинг учун хусусий тадбиркорликнинг барча йўналишлари мавжoани мустаҳкамлаш бугунги долзарб вазифа бўлиб турибди.

Бу соҳани ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган қатор фармонлар, қонунлар ва қарорлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар учун янги имтиёзлар ва енгилликлар белгиланимоқда. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида иқтисодий ислохотларнинг боришида давлат бошқаруви тизимининг қисқариши ва бунда жамoат ташкилотларининг ролини ошириш давом этмоқда.

Республика Президентининг Фармонида мувофиқ ишбилармонлар билан бевоасита иш олиб борган ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳақида ўзбекистон савдо-саноат палатасининг ташкил этилиши ҳам иқтисодийнинг хусусий секторига қаратилётган катта эътибордан ва бу тармок имкониятлари янада кенгайтирилаётганидан далolat беради.

Вилоятимизда бу палатанинг худудий бошқармасини ташкил этишдан мақсад жойлардаги ишбилармонларга яқинроқ бўлиш, уларнинг фаолияти билан чуқурроқ шуғулланиш, ишларда учраётган тўсиқ ва муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, умуман, инвестициялар, айниқса, чет эллиқлар сармояларини жалб этишда яқиндан қўмақлашишдир.

ваколатхоналари ташкил этилади. Вилоят савдо-саноат худудий бошқармасининг шаҳар ва туманларда филиаллари, вакилликлари ва тадбиркорларга ҳар соҳада ўз хизмати билан ёрдам берувчи ахборот-маслаҳат унитар қорхоналари ташкил этилади. Улар вилоят худудидан ишлаб тур-

лади. Илк бор тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар иш бошлайшлари учун микрокредитлар билан таъминланади. Бу муҳим ишни худудий бошқарма қoшида ташкил этилаётган «Қўмақдош» кредит уюшмаси ўз зиммасига олади. Шунинг-

дек, республика иқтисодиёт университетидан очилган маҳсус марказга вилоятимиз тадбиркорларидан ун нафари мулкни баҳолаш ва опти киши брокерлик хизмати кўрсатиш курсларида ўқидилар. Хусусий секторнинг ривожланишида, айниқса, чет эллиқ тадбиркорлар билан мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш муҳим роль ўйнайди. Худудий бошқарма бу йил олти марта шундай учрашув уюштирди. Яқинда «Афғонистон иқтисодий ривожланиш даврида» мавзусида ўтказилган учрашув ҳамма иштирокчиларда яқин таассурот қолдирди. Маҳаллий тадбиркорларимиз чет элларда ташкил этилаётган шундай мавзулардаги учрашувларда ҳам қатнашмоқдалар. Чўнончи, вакилликларини Хиндистоннинг экспортни ривожлантириш кенгаши тақлифи билан Дехли ва Чанна шаҳарларида ўтказилган учрашувларда иштирок этдилар.

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ: ИЛК ОДИМЛАР

Худудий бошқармага хусусий сектор субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига нисбатан кенгроқ ҳуқуқлар берилган. Маълумки, илгари тадбиркор билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низоли масала юзга келса, у хўжалик судида кўриб чиқилиши учун тадбиркорлар томонидан бир қанча ҳужжатлар расмийлаштирилиши, бож тўловлари тўланиши керак эди. Энди савдо-саноат палатасига аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари бу муаммо юзасидан палатата мурожаат қилсалар бўлди, ҳуқуқий хизмат бўлими ходимлари ишбилармонлардан ҳеч қандай ҳақ олмасдан, бож тўловларисиз даъвоини хўжалик судларига киритиш ҳуқуқига эгалар. Улар хорижий технологияларни олиб киришда давлат божи тўлашдан ҳам озоқ қилинадилар. Уларга ёрдам бериш мақсадида чет элларда палатанинг

ган ҳамма тадбиркорлик тузилмаларига барча масалаларда қўмақлашмоқдалар. Айниқса, вилоятнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий хом ашёлар неғизида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сифини кенгайтириш, тугатилаётган ширкатлар неғизида фермер хўжаликларини тузилишига ёрдам бериш, чет эл инвестицияларини жалб этишга ҳаракат қилаётган хўжалик юритувчи субъектлар дуч келаётган тўсиқ ва муаммоларини ҳал қилишга эришишга алоҳида аҳамият берилляпти. Замонавий тадбиркордан ҳуқуқий билимдонлик, хорижий тилларни, ҳисоб-китоб ишларини яқши билиш талаб этилади. Шун қисбга олиб келинган ҳолда мақсадида «Тадбиркорлик силри» ўқув маркази ташкил этилди. Бу ердаги ўқув маркази тақлифи билан Дехли ва Чанна шаҳарларида ўтказилган учрашувларда иштирок этдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус муҳбири.

Маънавиятимиз сарчашмалари

КЎЛБУЛОҚ — ҚАДИМДАН МАВЖУД

Ўзбекистон тарихига бағишланган тадқиқот ёки дарсликларда Оҳангарон водийсидagi Кўлбулоқ макони Фарғона водийсидagi Селенгур ёдгорлиги билан биргаликда Ватанимиз моддий маданиятининг энг кўна намуналари Сатинида тилга олинади.

Кўлбулоқ Ангрэн шаҳрининг фарбий чеккасида — Чотқол тизмаси эстагида жойлашган. Бу манзил 1961 йилда Г.Ф. Тетюхин, 1972, 1975 ва 1981 йилларда М.Р. Қосимов раҳбарлигидаги археологик отрядлар томонидан ўрганилган.

ганликларининг сабаби шу билан изоҳланадики, тоғлар оралигининг ландшафти инсон танаси учун ёзда салқин ва қишда илқ бўлишдан ташқари, хилма-хил ҳайвонлар ва ёзда қуриб қолмайдиган сойлардаги балқиларга бой бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим ҳайвонлар турларининг йўқ бўлиб кетиши ибтидоий овчилар томонидан кириб битирилганлиги тўғрисида эмас, балки, табиатда юз берган иқлим ва ландшафт ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Оҳангарон тарихида, ўтроқлашган турмуш тарзига қараганда, кўчманчилик кенг ўрин олган. Бу ерда тўлиқ ва ярим кўчманчилик қарор тошган. Негаки, қорванинг майда мол (қўй ва эчки) ҳамда йилқичилик соҳалари тўлиқ кўчманчилик қорамол тури эса ярим кўчманчиликка асосланган турмуш тарзини тақозо этган.

Бундай турмуш тарзида алоҳида қишқи яйловлар бўлади, қиш учун ҳашак тайёрлаб қўйилади, ёрдамчи хўжалик сифатида деҳқончилик билан шуғулланилади, қишчи масофалари қисқартирилади.

Шундай қилиб, уруғчилик тузумида яшаётган Оҳангарон водийсининг қадимий аҳолиси хали маҳаллий бир давлат таркибига кириб улгурмасдан туриб, аввал Аҳамонийлар, кейин Александр Македонский (э.р.ав. 329 йил) ва Саллакийлар (э.р.ав. 312 йил), туркий тилда гапирувчи, айрим кўчманчи хун ва юзқчилар (э.р.ав. II аср) асорати остида бўлди, улар билан иқтисодий-маданий алоқага киришди.

ИСОМИДДИН ЁРМАТОВ, Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг филология факультетининг декани, филология фанлари доктори.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Вазирлар Маҳкамаси кузурдаги Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якунлари сарҳисоб қилинди.

Олимпиаданинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтдаги ўрта мактаблар, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида тахсил олаётган олти юзга яқин ўқувчи иштирок этди.

Олимпиада якунланди

Беллашув якунига кўра, Буёқ вилояти ўқувчилари математика ва география фанлари бўйича ўзларининг билликларини намойиш этган бўлса, навоийликлар иқтисодий билимлар асоси ва физика фанидан энг кучли эканини исботлади.

Чилар эса давлат ҳуқуқи асослари ва кимё бўйича энг яхши кўрсаткичга эга бўлди. Пойтахтликлар чет тиллари ҳамда инфоформатика фани бўйича галлабоз қозонган бўлса, Тошкент вилояти ўқувчилари тарих ва биологиядан яхши билимга эга эканини намойиш этди.

Жами 56 нафар ўқувчи бу йилги республика олимпиадаси ғолиби бўлди. Улар олий ўқув юрталарга тест синовларисиз кириш ҳуқуқига эга бўлишди.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Тадбир



Тадбирда университет аспирантидан Президент стипендианти Феруз Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг стипендианти Салоҳиддин Юнусов, Суфия номидаги Давлат муқофотининг 2005 йилги соҳибаси,

университет қошидаги академик лицей талабаси София Бермагамбетова қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ёш авлодга таълим-тарбия беришдаги муносиб хизматлари ва самарали педагогик фаолияти учун бир гуруҳ ўқитувчи-ҳодимлар фахрий

ёрликлар билан тақдирландилар. Даврон АБДУЛЛАЕВ, СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Қишлоқ мулкдорлари

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ фермерлари йигирма кун давомида Миср Араб Республикасида бўлишиб, тажриба алмашиб қайтишди. Бу хайрли тадбирга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг ташқи иқтисодий алоқалар бoshқармаси, Республика Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси бошқоқш бўлди.

Хорижда бўлиб келган мулкдорлар орасида Окқўрғон туманидаги «Покиза-М» фермер хўжалиги бошлиғи Абдумалик Каримов ҳам бор. Унинг бу мамлакатда иккинчи марта бўлиши.

2003 йил сентябрь ойида қилинган сафарда у қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги янгиликлар билан танишиш бaрoбаридa Мисрда қулупнай етиштирувчи марказ фаолияти билан ҳам яқиндан танишганди.

Дорилфунунда НАВРЎЗ НАФАСИ

Яратиш, бунёдкорлик, саховат, меҳр-оқибат байрамга бағишлаб, Тошкент Давлат аграр университетида «Наврўз оламини яшнатар» мавзусида тадбир ўтказилди. Талабаларнинг театрлаштирилган соҳна томошалари ва таниқли санъаткорларнинг чиқишлари байрам иштирокчиларига яхши кайфият бахш этди.



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университетидa Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиши бoрoсида амалга оширилаётган чoра-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ёролаш, бу бoрадаги сарможий хамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон раҳбари етакчилигида амалга оширилаётган ахборот технологияларини ривожлантириш сийёсатини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ўтган йилнинг 29 октябрида Деҳлида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида ушбу марказни очиш тўғрисида меморандум имзоланган эди. Ҳужжатга мувофиқ, Ҳиндистон томони шубҳа мақсадада

700 минг АҚШ доллари миқдоридa маблаг ажратилиши зиммасига олган.

Тадбирда мазкур марказнинг очилиши мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида етук мутахассислари тай-

Ақмал НАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

МАҲАЛЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЭРНИ ДАВОЛАЙДИ

Фақат Тошкент вилоятида эмас, балки мамлакатимизда ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан алоҳида ажралиб турадиган ушбу фермер хўжалиги даромадини йилдан-йилга ошириб бoрмоқда. Унинг салмоқли қисми ерларининг мелiorация ҳолатини яхшилашга, техника воситалари сотиб олишга йўналтирилган. Бундан ташқари, туман миқёсида ўтказиладиган хайрия тадбирларида фаол иштирок этиш, уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг билим олишлари учун ҳoмиийлик қилиш фермернинг доимий одати.

Фойда кўрди. Фермер хўжалиги 2005 йилда ютуқларни янада мустаҳкамлашга, даромадини оширишга интилоқда. Деҳқон ва богбонларимиз неча асрлардан бери ерни тўйинтириш, сарф этилган моддалар ўрнини тўлдириш учун асосан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишган. Бундан ташқари ариқ-зовурлар лойқасини, эски деворларни, дов-дархатлар баргини ва ўсимликлар қолдирини ерга солиб, унинг унумдорлигини оширишган. Деҳқончилик кўлами кенгайиб, ерларга маҳаллий ўғит етказиб бeриш имконияти бўлмаганлиги сабабли минерал ўғитлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Афсуски, маълум даврга енгил-елпи иш юритиш, осон йўлни танлаш сабабли кўп ҳолларда ерга гўнг солиш ўрнига асосан минерал ўғитга зўр берилди. Бунинг оқибатида тупроқнинг таркиби камбағаллашди, минерал

ўғит солинмаса, экин яхши ривожланмайдиган бўлиб қолди. Оқибатда маҳсулот сифати ёмонлашди, тупроқ унумдорлиги, умуман, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги пасайиб кетди.

Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида минерал ўғитлар таъминотида тартиб урнатилиш билан бир қаторда кам маблаг талаб этиладиган ва тупроқ таркибини яхшилайдиган маҳаллий ўғит жамғариш, ерни айнан шу маҳкам билан даволаб, тўйинтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қузиқ ойларида республикамизнинг барча ҳудудларида маҳаллий ўғит жамғариб, уларни хандақларда ва тўп-тўп қилиб чиритиш учун барча имкониятлар ишга солинапти. Худди шундай манзарани «Покиза-М» фермер хўжалиги далаларида ҳам кўриш мумкин.

«Покиза-М» фермер хўжалиги бу йил 200 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит жамғариб қўйди. Чорвачилик фермерларидан гўнг олишдан ташқари фермер хўжалиги аъзолари ҳамқишлоқлари хоҳадонларида бўлишиб, маҳаллий ўғит ва чиқиндиларни йиғиб чиқишди. Улар чиритилиб, «галвир»да ўтказилди. Булардан компост тайёрланиб, баҳор ва ёзда галла ҳамда пахтачи суғориш даврида экинлар озиклантирилади. Шунингдек, республика Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси ёрдамида Тошкентдан 10 тонна маиший чиқиндилардан тайёрланган биогумус келтирилди.

Фермер хўжалиги аъзолари бу йил 84 гектар ерда галла парварishi қилишяпти. Хосилдорликни 55 центнерга етказишга жазм этишган. 91 гектар ерга чигит экиб, пахтадан ҳам яхши даромад олишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган.

С. АЛИЕВ.

Бу қизиқ

Тарихда кишиларнинг ўртача ёши бор-йўғи 25 йил бўлганини эшитган-мисиз? Манбалар шундан далolat бeрадики, қадимги Юнонистонда одамлар ўртача 25 йил умр кўришган экан. Аммо, улар орасида узoқ яшаганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Юлий Цезарь қатл этилганда 60 ёшда бўлса, Афлотун 81 ёшда вафот этган.

УМРНИНГ УЗУНЛИГИ ИҚТИСОДИЁТГА БОГЛИҚМИ?

каби 27 та давлатни мисол қилиб келтириш мумкин. Қолоқ давлатларда эса ўртача ёш 49-59 йил бўлган. Бу ўринда Марказий Африка Республикаси ва Афғонистон ҳамда Гвинея каби мамлакатларни таъкидлаш мумкин.

Кўриниб турибдики, ўртача ёшнинг кўтарилиб бoриши, аҳоли сонининг кeскин ортишига сабаб бўлмақда. Минг йил аввал ер юзидa 300 миллион киши яшаган бўлса, 1900

эса дунё аҳолиси 6 миллиарддан ошиб кетди.

БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2010 йилга бoриб ер юзидa 7 миллиард 176,8 миллион, 2025 йилда эса 8 миллиард 504,2 миллион киши яшайди. Айни пайтда уч дақиқада 155 нафар, хар соатда эса 10609 нафар чақалоқ туғилаётгани аниқланган. Германия, Дания, Финляндия аҳоли сони тобора камайиб бo-

Янгийўл «Биокиммё» очик акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Биокиммё» ОАЖ Кузатув кенгаши жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2005 йил 29 апрель куни соат 11.00 да ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш ўтказиладиган манзил: Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уй. Йиғилиш соат 11.00 да бошланади. Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш юқоридa қайд этилган манзилда соат 10.00 дан бошланади. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2005 йил 29 мартда ёпилган реестрга асосан тузилган.

- Йиғилиш кун тартиби: 1. Кузатув кенгашининг 2004 йил якунлари бўйича ҳисоботи. 2. Ижро органи — бош раҳбарнинг 2004 йил якунлари бўйича ҳисоботини ҳамда 2005 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларини тасдиқлаш. 3. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича муҳосиблик баланс ҳисоботини тасдиқлаш. 4. Тафтиш комиссиясининг жамиятнинг 2004 йилги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш. 5. Жамият фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш натижалари бўйича ҳулоасасини тасдиқлаш. 6. 2004 йил учун дивидендлар ҳажмини тасдиқлаш. 7. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш. 8. Бош раҳбар шартнома муддатини узайтириш. 9. 2005 йил учун жамият бизнес-режасини тасдиқлаш. 10. Жамият аудиторини тасдиқлаш.

Умумий йиғилишда тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ва ахборотлар ҳақида қуйидаги манзилда қўшимча маълумотлар олиш мумкин. Янгийўл шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 1-уй. Кузатув кенгаши.

Мухим фактлар ҳақида маълумот «Эмитентнинг реестри ёпилиши муддати тўғрисида» Янгийўл «Биокиммё» ОАЖ Кузатув кенгашининг 2005 йил 29 мартда ўтказилган йиғилиши қарорига асосан номлари ёзилган қимматли қoғoзлар эгаларининг рўйхати жамият акциядорларининг 2005 йил 29 апрелда бўлидиган умумий йиғилишида иштирок этиш учун 2005 йил 29 март куни ёпилди. Кузатув кенгаши.

Огоҳ бўлинг!


ҚўЗИҚОРИН МАЗАЛИ, АММО...

Вилоятимизда охириги вақтларда ёнингариликнинг кўп бўлиши ва офтобди кунлар билан алмашиб туриши тўғрисида ёнвойи қўзиқоринларнинг ўсиб чиқиши учун қўлай шароитлар вужудга кeлмоқда. Улар тоғлар, дала ҳовлилар, хёбонлар, ариқлар ва сойлар бўйларидa, шунингдек, хоҳадон ҳовлиларида кўплай учраётди.

Қўзиқориннинг ёнвойи турларини билмасдан, улардан консервлар ва ҳар хил таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш хавфли эканини эсдан чиқармаслик лoзим.

Вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида, жумладан, Окқўрғон, Бўстонлик, Бўжа, Куйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Уртачирчиқ ва Паркент туман-

ларида кўплай учровчи қўзиқоринларнинг аксарияти заҳарлидир. Айримлари истеъмол қилинадиган қўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлади. Фақат мутахассисларгина уни фарқлашлари мумкин. Оқ паганка, мухомор, сарик тана, серёжка, шампиньон, шайтонча каби қўзиқорин турлари заҳарли ҳуусоиятларга эгадир. Улар ошқозон-ичак



олиб келиши ҳам мумкин. Шу сабабли қўзиқорин истеъмол қилаётганингизда эҳтиёт бўлинг. Маҳмуд ҲАММАСОВ, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори.

